O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 йил 2 май, сешанба	№ 18 (170)	Сотувда эркин нархда

ШАРТНОМАВИЙЛИК-ЛАБЗИ ҲАЛОЛЛИКДИР

Адлия вазирлигида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Республика Прокуратураси ҳамда Республика Олий Хўжалик Суди ҳамкорлигида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Алоқа ва Транспорт комплекси тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари ва бошқа масъул шахслар иштирок этдилар.

Семинар-йиғилишни Адлия вазирлигининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Давлатназар Матрасулов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдуқодир Наврўзов «Алоқа ва транспорт комплекси таркибига кирувчи корхоналарда шартномалар тузиш ва улар ижросини таъминлашнинг аҳволи тўғрисида», Республика Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бўлим прокурори Пўлат Назаров «Алоқа ва транспорт комплексида шартномавий муносабатлар бўйича аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида», Республика Олий хўжалик судининг судьяси Есенбек Есниязов «Шартнома мажбуриятлари бузилишида жавобгарлик» мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуман давомида маърузалар юзасидан қизғин муҳокама, мунозара, баҳс юзага келди. Шартномавийлик эркин бозор муносабатларини юритишда муҳим омил эканлиги, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларга барча имкониятлар яратилганлиги таъкидланиб, бу борада ҳамон қонунийлик тўла таъмин этилишида камчиликлар мавжудлиги айтиб ўтилди. Камчиликларни бартараф этишда юристлар масъулияти ва мавқеини ошириш лозимлиги эътироф этилди.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

Сўз ва иш бирлиги

ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСИЙ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилишга бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларга кенг имкониятлар ва эркинликлар яратиб бериш соҳасида қўйилган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг кейинги қарорлари вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида атрофлича муҳокама қилиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олдик. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида тадбиркорларга имконият ва шароит яратиш мақсадида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ариза, шикоят ва таклифларини кўриб чиқиш ва ўрганиш марказлари ташкил этилди. Ушбу марказлар таркибига адлия бошқармаси ходимларидан ташқари мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳам киритилди. Шунингдек, адлия бошқармасида «Ишонч телефонлари» ишга тушди. Тадбиркорлар ҳуқуқлари бузилган тақдирда тўғридан-тўғри ана шу телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳақда матбуот орқали хабар берилди. Бундан ташқари бир қатор вилоят газеталарида «Саволларингизга жавоб берамиз» рукни ташкил этилди. Бу рукн остидаги материалларда тадбиркорларни қизиқтирган саволларга адлия бошқармаси масъул ходимининг жавоблари бериб борилади.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида режа асосида ўтказилган текширишлар натижасида солиқ қонунчилигида берилган имтиёзлар чекланиб, солиққа тортиш ҳолларига йўл қўйилгани аниқланди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Вилоятдаги солиқ идоралари томонидан Шаҳрисабз туманидаги «Арслонбобо ЛТД» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасидан 3.200 сўм, «Тошпўлат ота» фирмасидан 57.700 сўм, «Замин» фирмасидан 851.800 сўм, «Туркистон» фирмасидан 204.500 сўм, «Универсал» кичик корхонасидан 33.100 сўм, «Рашид Мирзо» фирмасидан 302.200 сўм, ҳаммаси бўлиб 1.460.500 сўм миқдорида даромад солиғи ноқонуний равишда ушланганлиги аниқланди. Кўрилган чоралар натижасида шу сумманинг 1.329.500 сўми корхоналар ҳисобига қайтарилди.

Қарши шаҳар солиқ идораси томонидан ҳам даромад солиғини ноқонуний равишда ундириш ҳолатлари кузатилди. «Эталон» хусусий фирмаси, «Худойзод», ДТС хусусий корхоналаридан ноқонуний ундирилган даромад солиғи суммаси эгаларига қайтарилди.

Шаҳрисабз туман солиқ инспекциясининг ҳуқуқий шахслардан солиқ ундириш бўлими бошлиғи У.Раҳматова ва Қарши шаҳар солиқ инспекциясининг солиқ тушумларини жамлаш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи Г.Аҳмедовалар юқоридагидек қўпол хатоларга йўл қўйганлиги учун вазифаларидан озод қилинди.

Баъзи ҳокимликлар тадбиркорлик субъектларининг маблағларини уларга тааллуқли бўлмаган объектлар қурилишига сафарбар этишга мажбур қилмоқдалар. Қарши шаҳар ҳокимининг эски шаҳар марказида Сайлгоҳ мажмуини қуриш тўғрисидаги қарорида 8 та корхона, шу жумладан, «Қаршиёғ», «Дунё-М» ҳиссадорлик жамиятлари, «Маишийтехсоз» жамоа корхонасидан 19 млн. сўм пул ундириш кўрсатилган.

Ҳолбуки, бу қарор «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Мулк тўғрисида»ги Ўзбекистон қонунларига мутлақо зиддир. Ҳатто юқоридаги корхоналар мулкдорларнинг ҳомий сифатида розилиги ҳам олинмаган. Адлия бошқармаси томонидан бу қарорнинг ҳиссадорлик жамиятлари ва жамоа корхонасига тегишли қисмини бекор қилиш тўғрисида Қарши шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Бундай ҳолатлар Шаҳрисабз туман ҳокимлиги фаолиятида ҳам учрайди. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, Шаҳрисабз туман ҳокими компьютер марказини ташкил қилиш учун 39 та ташкилот ва корхонанинг ҳар биридан 10 минг сўмдан пул маблағи ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиб, бу билан ҳаракатдаги Ўзбекистон қонунлари талабларини бузган. Шаҳрисабз туман ҳокими вилоят адлия бошқармаси бу иш бўйича тақдимнома киритгандан сўнг ўз қарорини бекор қилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан шу йилнинг 30-31 март кунлари Қарши шаҳар ва Шаҳрисабз тумани мутасадди ташкилотлари ва тадбиркорлари иштирокида кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича семинар кенгаш ўтказилди.

Вилоят адлия бошқармасига тадбиркорлардан келаётган шикоят ва аризаларни ўз вақтида текшириш ва қонуний ҳал қилиш соҳасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Шу қисқа вақт ичида бошқармамизга 8 та ариза тушди.

Китоб туманидаги Р.Шаймонов номли жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Равшан Ҳайдаров 2000 йил 3 мартдаги аризасида айтишича, у ўз оила аъзолари билан бирга «Бобур» номли фермер хўжалигини ташкил этган. Жамоа ширкат хўжалиги вакиллари йиғилишининг 1999 йил 2 мартдаги қарорига асосан 10 гектар суғориладиган ер майдони ижарага ажратилган. «Бобур» фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб ўша йили 6 апрел куни Китоб туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Туман комиссиясининг 26 апрелда бўлиб ўтган йиғилишида фермер хўжалиги ташкил этиш ижобий ҳал этилган. Лекин туман ҳокимлиги «Бобур» фермер хўжалигини негадир ҳозиргача давлат рўйхатидан ўтказишни пайсалга солиб келган. Ариза текширилганда, унда кўрсатилган ҳамма далиллар тўла тасдиқланди. Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан туман ҳокимлиги томонидан 2000 йил 27 март куни фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шу туманда «Парчакент» фермер хўжалиги тузиш бўйича ҳам худди шундай ҳол юз берган. Фуқаро Ҳақберди Пўлатовнинг «Парчакент» фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси ва тўплаган ҳужжатлари 1999 йил 6 апрелда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинган бўлса ҳам, туман ҳокимлиги хўжаликни давлат рўйхатидан ўтказишни асоссиз судраб келган. Адлия бошқармаси аралашувидан сўнг «Парчакент» фермер хўжалиги ҳам 2000 йил 27 март куни давлат рўйхатидан ўтказилди.

Тумандаги «Олтинсой» фермер хўжалиги бошлиғи Элмурод Қурбонов томонидан Адлия вазирлигига ёзилган шикоят-ариза жойида ўрганиб чиқилиб, унда кўрсатилган далиллар асосан тўғри деб топилди ва аризадаги талаблар ижобий ҳал этилди. Шунингдек, аризада Китоб тумани «Консалтинг» фирмаси раҳбари А.Умрзоқов «Олтинсой» фермер хўжалиги ишига ноқонуний аралашаётганлиги факти ҳам қисман тасдиқланди. Бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли ҳужжатлар вилоят прокуратурасига тақдим этилди.

Вилоят адлия бошқармаси Китоб тумани ҳокимлигига қонун талабларига қатъий риоя қилиш, мавжуд хато ва камчиликларни келгусида такрорламаслик юзасидан тақдимнома киритди.

Муборак туманидаги «Гулистон» фермер хўжалиги раиси Усмон Аслонов «Гулистон» жамоа ширкат хўжалиги раиси У.Номозовнинг ҳамма ҳужжатлар бўлишига қарамасдан, 47 гектар ер майдонини ажратмай келаётганлигини, натижада фермер хўжалиги моддий ва маънавий зарар кўрганлигини ўз аризасида кўрсатган. Аризадаги бу ҳолатлар адлия бошқармаси ходимлари томонидан текширилганда, ўз исботини топди. Фермер У.Аслоновга етказилган 200 минг сўм зарарни ундириш тўғрисида вилоят судига даъво аризаси киритилди.

Нишон туманидаги «Чароғил» жамоа ширкат хўжалигида жойлашган П.Темиров номли фермер хўжалигининг бошлиғи П.Темировнинг хўжалик асоссиз тугатилганлиги тўғрисидаги шикоят аризаси ўз жойида синчиклаб ўрганилди ва ижобий ҳал этилди, яъни ариза юзасидан ўрганиш натижалари бўйича туман ҳокимининг 1998 йил 31 декабрдаги Х-651/12-сонли қарорини бекор қилиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва тадбиркорлар фаолиятини асоссиз текширишларга чек қўйиш лозимлиги алоҳида қайд қилинган. Вилоят адлия бошқармаси ходимлари бу орада ҳам қатъий чора-тадбирлар белгилаб олганлар. Ватанимиз равнақи учун жон куйдириб ишлаётган тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун ҳамма шароитларни яратиш, уларга ҳуқуқий амалий ёрдам бериш адлия ходимларининг ҳам бурчидир. Биз бундан кейин ҳам тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қонунсиз хатти-ҳаркатлардан сақлаш йўлида кескин чоралар кўрамиз.

Ғайбулла САФАРОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида

ЎЗАРО ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

Термизда Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳамда республика марказий банки вилоят бош бошқармаси ҳамкорлигида «Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш — бош вазифа» мавзуида назарий конференция бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги мавжуд тадбиркорлик тизими: деҳқон фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларга эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш хусусида фикр алмашилди. Конференцияни вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Чориёр Аллаёров кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Анжуманда вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси О.Соибназаров, адлия бошқармаси бошлиғи муовини вазифасини бажарувчи Ф.Қўлдошев, марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси раиси П.Маъдиев, тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси раисининг муовини Мардон Қобилов, вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Р.Чоршанбиев ва Музробод туманидаги «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонаси раҳбари Қурбон Амирқуловлар сўзга чиқишди. Назарий анжуман жараёнида фермер ва тадбиркорлар фаолиятини ҳар қандай расмиятчилик, буйруқбозлик ва ноқонуний текширувлардан ҳимоялаш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Анжуман сўнггида ҳар ой ўзаро фикр алмашиб туришга келишиб олинди.

Б.ОЛЛОМУРОД

Диққат!

СИЗНИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ЭШИТАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири - тадбиркорлар, ишбилармонлар, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш эканлигига эътиборан, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида кенг кўламли тадбирларни амалга оширишга киришди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 феврал «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тезкор алоқалар тизимини ўрнатди. «Ишонч телефонлари» иш бошлади.

Уларнинг рақамлари қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий маҳкамасида	**136-05-09**
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Нукус шаҳрида	**222-26-13**
Тошкент шаҳар адлия бошқармасида	**162-92-42**
Вилоятлар адлия бошқармалари:	
Наманган шаҳрида	**6-51-93**
Фарғона шаҳрида	**24-04-61, 24-25-01**
Андижон шаҳрида	**25-25-53**
Гулистон шаҳрида	**25-01-55, 25-19-50**
Жиззах шаҳрида	**3-35-81, 3-29-81**
Самарқанд шаҳрида	**33-04-62**
Қарши шаҳрида	**4-49-05, 4-62-21**
Термиз шаҳрида	**3-67-96, 3-36-78**
Навоий шаҳрида	**223-93-95**
Бухоро шаҳрида	**223-74-16, 223-76-19**
Хоразм вилояти (Урганч шаҳрида)	**226-03-94, 226-65-50**
Тошкент вилояти (Тошкент шаҳрида)	**53-82-61, 53-30-02**

Эндиликда ҳар қандай шахс ушбу телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда тадбиркорликни рўйхатга олишдаги турли расмиятчиликлар, барча ноқонуний аралашувлар, асоссиз текширувлар каби тадбиркорларнинг эркин фаолиятига тўсқинлик қилаётган салбий ҳолатлар ҳақида мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Матбуот хизмати

Соғлом авлод умиди

ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО АСАРИ

Ҳар мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, тараққиётга юз тутиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг қай даражада билимдон, изланувчан, фаол ва интилувчанлигига ҳам боғлиқ. «Соғ танда - соғлом ақл» деганларидек тани соғ ва баркамол инсонгина теран фикрлай олади. Бундай етук инсонларни эса оналар дунёга келтиради, тарбиялаб камолга етказади.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил - «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб аталди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки соғлом насл қолдириш учун оналарни авайлаб-асраш, улар соғлиғини муҳофаза қилмоқ лозим. Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик жамиятни ҳам ана шу соғлом она дунёга келтирадиган соғлом авлод равнақ топтиради...

Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Соғлом авлод йилида асосий эътиборни аёллар соғлиғига қаратганлигининг боиси ҳам шунда. Бу хусусда бошқарма бошлиғи Дилором Рўзиевна ЮСУПОВА қуйидагиларни ҳикоя қилади:

- Ҳотин-қизларда учрайдиган касалликларни ўрганиш ва даволашни доимий назоратга олиш, аёллар ва болалар ногиронлигининг олдини олиш чораларини кўриш, уларнинг тиббий ва маиший хизмат шароитларини яхшилаш; вояга етмаган қизларнинг турмушга узатилишини қатъиян тақиқлаш; «Аёл ва саломатлик» мавзуида доимий учрашув ва семинарлар ташкил этиш; туғиш ёшидаги ҳамда оғир хасталикка чалинган аёлларни диққат-марказида тутиш; улар орасида соғломлаштириш ишларини жонлантириш; аёлларнинг саломатлиги ва ҳуқуқий савиясини ошириб бориш амалга ошираётган ишларимизнинг асосини ташкил қилади. Бу борада барча туман ва шаҳар марказий поликлиникалари қошида малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар бошқарма томонидан тасдиқланган дастур асосида фаолият юритадилар.

Сир эмаски, шаҳар ва туманларимизда айрим ҳомиладор аёлларимиз ўз саломатлигига беэътиборлиги, шифокорларга вақтида мурожаат қилмаслиги оқибатида камқонлик, юрак, буйрак, жигар касалликларига чалиниб қолмоқдалар. Шифокорларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан кўп ҳолларда бундай кўнгилсизликларнинг олди олинмоқда. Ҳомиладор аёллардаги янги туғилган чақалоқда ва айрим туғма нуқсонларни вақтида аниқлаш, уларга қарши даво чораларини кўриш ҳамда носоғлом ҳомиладан воз кечиш ва бошқа муолажалар мақсадида баъзилар Тошкент шаҳридаги «Скрининг» марказига юборилмоқда.

Шунингдек, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини таъминлаш мақсадида бир қатор бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Тошкент туманида 70 ўринли туғруқ комплекси қурилиб, ишга туширилиш арафасида. Шу туманнинг хушҳаво гўшаларидан бирида сил касаллиги билан оғриган ногирон болалар учун бунёд этилаётган сиҳатгоҳ ҳам ёзги таътилда болаларни ўз бағрига олади.

Албатта, ҳали олдимизда турган вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бисёр. Мақсадимиз - Соғлом авлод дастурини муваффақиятли амалга ошириш, оналар ва болалар саломатлиги йўлида қўлдан келган барча имкониятлардан фойдаланиш, фарзандлар камолотига ўз ҳиссамизни қўшиш.

Истардимки, аёллар ўз туғилажак фарзандларга тақдирига бефарқ бўлмасинлар. Уларнинг баркамол ўсишлари учун жавобгар эканликларини ҳис қилсинлар. Буюк давлат тараққиётида соғлом аёл ҳамда унинг жисмонан, ақлан соғлом фарзанди иштироки муҳим аҳамият касб этишини тушуниб етсинлар. Ўз жисму жонлари қўрғонига ўзлари садоқатли посбон бўлсинлар. Зотан, соғлом инсон табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

Суҳбатдош:
Арофат ОРТИҚОВА

Бировга қазимагин чоҳ...

ХИЁНАТ ҚОПҚОНИ

ёки Бўка тумани ИИБ ходимларининг ҳушёрлиги туфайли бегуноҳ бир инсон ҳибсдан сақлаб қолинди.

Суратда: (чапдан) Бўка туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Салават Қурбонбоев ва ИИБ бошлиғи ўринбосари Файзулла Жониқулов ўзаро мулоқотда.

Таҳлил ва таклифингизни олдик

МЕНДА БИР МУЛОҲАЗА БОР

Кейинги ойлар давомида «Инсон ва қонун» саҳифаларида ҳуқуқий масалаларнинг деярли барча йўналишлари бўйича қизиқарли материаллар чоп этилмоқда. Айниқса, жиноятчилик, уларни ҳуқуқ органлари томонидан ўз вақтида очилиб, жиноятчилар жазога тортилишига доир материаллар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Мисол тариқасида газетанинг 2000 йил 11 апрел сони материалларини олса бўлади. «Ҳукм аёвсиз, аммо... адолатли» номли мақола оиламизда катта қизиқиш билан ўқилди, ҳатто қўни-қўшниларимиз газетанинг мазкур сонини ўқиш учун бериб туришимизни илтимос қилиб чиқдилар. Бу материал Сирдарё вилоят прокуратурасининг катта терговчиси Файзулла Ботиров қаламига мансуб эди.

Газетада фақат жиноий характердаги материалларгина эмас, балки ўткир танқидий материаллар ҳам кенг ўрин олмоқда. «Бозор юлғичлар маконига айланмасин» номли мақола бунга мисол бўла олади. Бу мақолада тилга олинган камчиликлар фақат Бухоро бозорлари учунгина эмас, балки республиканинг бошқа бозорлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда бозорларни текшириш усуллари яхши ёритилган. Шу саҳифадаги «Турмушга бозор баҳо беради» номли мақола ҳам диққатга сазовордир. - Таъкидлаш жоизки, - деб кўрсатилади мақолада, - бозорлар фаолиятига эътиборсизлик билан қараладими, демак, халқ жабр чекади, сохта тадбиркорларнинг ови юришади.

Лекин негадир кейинги ойларда санъатимиз қадрини ерга урувчилар ҳақида кам материал берилмоқда. 1999 йилда Хоразм вилояти мисолида бу мавзу яхши ёритилган эди.

Газетадаги материалларни таҳлил қилар эканман, менда бир мулоҳаза пайдо бўлди. Маълумки, ҳозирда барча вилоят газеталарида ҳуқуқий мавзудаги материалларга кенг ўрин берилмоқда. Ана шу материаллар орасидан республика аҳамиятига доир «теша тегмаган» воқеалар ҳақидагиларини «Вилоят газеталари саҳифаларида» рукни остида бериб борилса, яхши бўларди.

«Инсон ва қонун» газетасида босилаётган материаллар ушбу жамоада адабиётимизнинг чуқур билимдонлари ҳам борлигини билдиради. Айрим мақолаларда атоқли шоирларимиз асарларидан, ҳатто ҳадислардан парчалар келтирилмоқда. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш керак.

Бир таклиф киритмоқчиман. Газетада босилаётган тарбиявий аҳамиятга эга бўлган материалларни тўплаб, танлов йўли билан ғалвирдан ўтказиб, алоҳида китобча сифатида нашр қилинса ўринли бўлар эди. Бу материаллар ҳозирда ҳуқуқий масалаларга қизиқувчилар дидига мос келар, ўзининг кўплаб ўқувчиларини топар эди. Чунки газетани баъзан киоскалардан топиш қийин бўлмоқда.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори,
Молия институтининг устоз-профессори

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Ислом КАРИМОВ

Тарих ва маънавият

ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ВИЖДОН ИШИ

XIX асрнинг сўнгги чорагида Чор империяси Туркистонни, жумладан, Хива хонлигини забт этиб, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни бутунлай ўз тасарруфига киритади. Натижада ўзининг шимолий қирғоқ томондаги ерларидан ажралган Хива хонлиги «ярим мустамлака» (протекторат) сифатидагина кун кечирадиган чалажон давлат ҳолига тушиб қолди. Чор империяси эса Марказий Осиё — Туркистон хонликлари эвазига янада кенгайиб, «азалий орзуси» — Ҳиндистон замини томон анча яқинлашиб қолди. Улуғ империя зобитлари — мустамлака қилинган Туркистон хонликлари ҳудудида янги маъмурий-территориал бошқарув тузилмалари — генерал-губернаторлик, волость, уездлар ташкил этиб, маҳаллий халқларни асорат остига олдилар. Халқ бошига мустамлакачилик тузумининг зулмлари туша бошлади. Маҳаллий бий-бўлис (волость раҳбари) ва бошқалар халқни эзиб ишлатиб, юз турли солиқ солиб, йиғиб-терганларини чор амалдорлари қўлига топшириб, шу тариқа, «оқпошшо жанобларининг илтифоти»га сазовор бўлар эдилар. Элюртимизнинг хирмонлари, ноз-неъматлар, балиқ маҳсулотлари, санъат асарлари Шимолга олиб кетиладиган бўлди. Маҳаллий халқ эса ҳам мустамлакачиларни, ҳам ўзларининг тепасида турган амалдорларни боқишга мажбур эди. Бунинг устига чор империяси иқтисодиёти қозонини қиздириш, саноат механизмларини юритиш учун Сибирь ўрмонларидан келтириладиган ёғочларни кесиш-тайёрлашдаги энг арзон, деярли иш ҳақи тўланмайдиган «мардикорлар армияси» асосан Туркистон халқлари ҳисобидан тўлдирилар, бу борада ҳам «оқ пошшо жанобларининг ҳаққига «бепул хизмат қилиб бериш» солиғи жорий қилинган эди.

Бердақ Қарғабой ўғли ижодидаги энг қайноқ даврҳам шу вақтга тўғри келиб, унинг асарларида истилочилар қаттиқ танқид остига олинганини кўрамиз. Бердақ бобомизнинг «Хоразм» деб номланган эпик кўламли достонидаги қуйидаги сатр-

ларни ўқиб, ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ.

Бундай сатрларни ўқиганингиз сайин Бердақ шоирнинг содда-тўпори шеърлари мағзида мустамлакачилик зулм-асорати манзаралари кўз олдингизда қад тиклай бошлайди. Бердақ бўлажак воқеаларни ҳам худди «тарих йўллари» аро кўриб тургандай аниқ-тиниқ тасвирлаб беради:

Во дариғо, юз минг армон,
Топилмади дардга дармон,
Бир худодан бўлди фармон,
Урди фалакнинг офати.

Дарҳақиқат, тарих саҳнасига ғолиб мамлакат чиқиб, ўзга давлатларни, янги-янги ҳудудларни босиб ола бошлади.

Орага душман сўз солди...
...Дўстдан дўстнинг кўнгли қолди...

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди: Хива, Қўқон, Бухоро хонликлари амалда бир-бирига дўстона кайфиятда хат йўллаб, элчи юбориб, меҳру муҳаббат изҳор қилгани билан аслида истило бошланиши даврида боши бирикмай ҳар бири ўзбошимча сиёсат юритиб, бир-бировига қулоқ солмадилар, натижада бирин-кетин Чор империясига ўлжа бўлдилар.

Яъни Чор империяси босқини Туркистон тарихида шу қадар машъум рол ўйнадики, бунинг натижасида Туркистон халқлари иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаёти мислсиз таназзулга учради, ахлоқ меъёрлари унутилди, маънавий ҳаёт издан чиқди, мусулмончиликка дарз кетди, халқ маънавий қашшоқлиқ, аросат ботқоғида қолди.

Хулоса чиқариб айтиш мумкинки, чор империяси босқини туфайли Туркистон халқларининг турмуш тарзи, ахлоқ-тарбиясидан тортиб, ижтимоий онг шакллари ҳуқуқ - қонун амалиёти-ю, давлат маъмурий бошқариш усулларигача бари бутунлай янги изга кўчди, империя хизматига қўйилди, халқ онги, тафаккурида бузилишлар, «шимолга сажда қилишлар» бошланди. Буларнинг бари Бердақнинг кўз ўнгида бўлиб ўтаётган эди ва халқ маънавияти, иқтисодиётидаги қалқинишлар манзараси шоир қаламидан тошқин бўлиб тўкилди:

Кофир иши бадабаддин,
Ножат истар лотманотдин,
Юрт қутилмиш мусаллатдин,
Яқиндир вақти-соати.

Тўғри, тўғри, тўғри сўзла,
Дини исломнинг йўлин кўзла,
Ризқингни бир Ҳақдан изла,
Этма кофирнинг хизмати.

Ушбу сатрларда ҳақсизликларни, ҳуқуқсизликларни ўз кўзи билан кўриб, англаб, юраги қон бўлиб турган шоир ички исёни барқ уриб турибди.

Дарҳақиқат, Бердақ бобомизнинг «Яқиндир вақти-соати» деган умидорзулари, ҳақ-ҳуқуқ борасидаги истаклари мустақиллик туфайли амалга оша бошлади. Зеро, мамлакатимиз истиқлол шарофатига эришгандан сўнггина республикамизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатор халқаро шартнома ва ҳужжатлар қабул қилинди. Фуқароларнинг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай шахснинг ўзи танлаган, ота-боболари эътиқод қилиб келган динга садоқат ила ишониши, бунинг учун жазоланмаслиги, камситилмаслиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари бузилмаслиги кафолатланди.

«Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга ҳурмат ва эътиқод - биз учун ўлмас қадриятдир», деган эди Юртбошимиз Ислом Каримов. Бинобарин, ота-боболаримиз динининг ҳеч қандай ғуборсиз, покиза сақланиши учун қайғуриш эндиликда ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир фуқаро учун виждон иши бўлиб қолди. Айни кунда бутун Ўзбекистон аҳли озод ва демократик жамият қуриш, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш, янги ва ҳур инсон одоб-ахлоқи меъёрларини шакллантириш, ёш авлодни ҳалол, покиза, дин-диёнати мустаҳкам, ҳавойи ғояларга учмайдиган, яхши-ю, ёмондан огоҳ инсонлар қилиб тарбиялаш ишига масъулдирлар.

Ғенжемурат ПИРЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

ХИЁНАТ ҚОПҚОНИ

Бировга қазимагин чоҳ...

ёки Бўка тумани ИИБ ходимларининг ҳушёрлиги туфайли бегуноҳ бир инсон ҳибсдан сақлаб қолинди.

Бўлимимиз шахсий таркиби янги йилни хайрли мақсадлар билан бошлаган. Бу йилги дастуримиздан турли хил жиноятларни очиш бўйича шахсий таркибнинг касб савиясини ошириш, содир этилган қонунбузарлик ҳолатларини очишда барча бўлинмалар ҳамкорлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ДАНБ ходимлари ишини намунали ташкил этиш каби вазифалар ўрин олган. Бу саъй-ҳаракатларимиз жиноятчиликка қарши курашишимизда замин бўлиши шубҳасиз.

Юртбошимиз томонидан 1999 йил - Аёллар йили, 2000 йил - Соғлом авлод йили деб эълон қилинган. Бу аёлларимизга, соғлом фарзандлар тарбиялаётган ўй бекаларига бўлган юксак эҳтиромдан далолатдир. Шу туфайли биз ҳам туман хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда учрашувлар, одоб-ахлоқ мавзуида суҳбатлар ташкил этаяпмиз, рейдлар ўтказаяпмиз.

Аммо минг афсуски, ана шундай текширишлар чоғида баъзан аёлларимиз томонидан содир этилаётган номақбул ишларнинг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз. Албатта, бу ҳолатларга айрим сабаблар рўкач қилинади. Лекин буларнинг аксариятига иродасизлик, сабрсизлик сабабчи эканлигини кўпчилик ўйламайди. Босаётган қадами оқибатини ўйламайдиган одам нечоғли ғарибдир. Қуйидаги воқеалар ҳам ҳар қандай кишини ўйлантириб қўйиши табиий.

Мазкур жиноят Бўка тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан фош этилган ўзига хос «иш»лардан биридир. Агар терговчилар жиноятчи Яхшивой Жуматоев ўйлаганчалик содда бўлганларида, Муҳаббат Қодированинг хиёнати-ю, ғаразли қилмишлари натижасида бир бегуноҳ инсон жуда узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилар, Муҳаббатнинг ўзи бека бўлган оиланинг бошига тушган мусибат сояси янада қуюқлашар эди. Ҳолбуки, терговчиларнинг зийраклиги туфайли жиноятчи ҳам, хиёнатчи ҳам ниятига етолмади. Аммо бир тинч оиланинг осойишта, тотув ҳаётига барибир раҳна солинди...

Воқеа мана бундай бўлди. Муқаддам судланиб, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган Яхшивой Жуматоев Муҳаббат Қодирова билан ўзининг ғараз ниятлари йўлида танишади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, сирдош бўлиб қолган бу жуфтлик орасида шундай гап бўлиб ўтади:

- Манавини олиб, уйингга - сандиқнинг тагигами, кўрпачалар орасигами яширасан, тушундингми? Бизга ҳалал бераётган эрингни шу йўл билан орадан олиб ташлаймиз. Сўнг бу ҳақда милицияга ўзинг ёзиб берасан...

- Йўқ, - дейди аёл бундай хатарли йўлдан чўчиб, - мен бу ишни қилолмайман...

Яхшивой ғазабга минади. Ёстиқ остидан ёғоч дастали пичоқни олиб, унинг дастаси орти билан аёлнинг тиззасига қаттиқ уради:

- Агар айтганимни қилмасанг, ҳаммангни ёстиғингни куритаман. Эрингниям, сениям, болаларингниям! Биласан, одам ўлдириб қамалганман!

Қўрқув ўз ишини қилди. Ноилож қолган ожиза Яхшивойнинг топшириқларини бажарди. Айтилган жойга 305 грамм «марихуанна» гиёҳванд моддасини олиб бориб яширди. Сўнг бегуноҳ эри Йўлдошхўжа Қодировни гиёҳвандлик билан шуғулланаётганликда айблаб, милицияга ариза берди.

Шундай қилиб, Муҳаббат ёмон ниятли пасткаш бир жиноятчи кимсанинг тузоғига илинди. Дастлаб у 1997 йил сентябр ойларида Бўка тумани марказий шифохонаси ёнида ҳар хил нарсалар савдосотиғи билан шуғулланар экан, хавфли рецедивист билан «ош-қатиқ» бўлди. Гаҳ, деганда кафтига қўнди. Хиёнатдан қайтишга иродасизлик қилган аёл бора-бора бутунлай унинг ўлжасига айланди ва ўз оиласини ҳам ана шу жарлик ёқасига келтириб қўйди.

Ҳақиқий терговчи жиноятчи «ижод» этган сценарий бўйича «рол» ўйнамади. Ички ишлар бўлимининг қилни «қирқ» ёрадиган сергак ходимлари бу жиноятни икир-чикиригача фош этдилар.

Қора ниятли Я.Жуматоевнинг тубан ва ғараз ниятлари фош этилди.

Азалдан жиноятчи бўлмиш кимсанинг ноғорасига ўйнаган М.Қодирова Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-моддаси 3-қисми «Б» банди, 277-моддаси 2-қисми «В» банди, 237-моддаси 2-қисми «А» бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этган, деган хулосага келинди.

Бу нимадан далолат беради? Воқеанинг бундай ечим топиши, енгилоёқлик, тубанлик, хиёнат, пасткашлик охир оқибат шармандалик билан тугашидан, бундай шахслар нафақат Яратганнинг, балки адолатпарвар қонунларимиз олдида ҳам жавоб беришлари муқаррарлигини исбот қилади.

Буюк аждодимиз Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Одоб-ул-Солиҳин» асарида аёл киши зиммасидаги ҳуқуқий мажбуриятлар ҳақида жумладан, шундай дейилади: «Хотин эрининг рухсатисиз уйдан чиқмаслиги, бегона кишини уйига киритмаслиги, эрнинг пули ва буюмини сарф-харажат қилмаслиги лозим. Хотин эри томонидан яратиб берилган ҳаётий имконият ва воситалар билан чекланиши, шуларга қаноат қилиши, ортиқча нарсаларни талаб қилмаслиги керак».

Қаранг, нечоғли ибратли гаплар. Чунки Яратган ҳам иймони бут, покиза ахлоқли зотларга икки дунё саодатини ваъда қилади. Зеро, пайғамбаримиз «Ҳаё - иймондандир, яъни иймон қанчалик кучли бўлса, ҳаё ҳам шунчалик кучли бўлади», деганлар.

Салават ҚУРБОНБОЕВ,
Бўка туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги

Мақола саҳифаланаётганда:

"Хиёнат қопқони" сарлавҳали юқоридаги мақола саҳифаланаётганда ҳамкасбимиз Шавкат АКРОМОВ Бўка тумани ички ишлар бўлимидан олинган ушбу суратларни таҳририятга тақдим этди. Унда халқ осойишталиги йўлида фидойилик қилаётган бўкалик ИИБ ходимлари фаолиятлари акс эттирилган.

Суратларда:

ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Абдураҳим Абдураззоқов (юқорида):

Паспорт столи бошлиғи, милиция катта лейтенанти Азиз Мавлонов ва ходим Марғуба Абдуғаниева (ўртада):

Қўриқлаш бўлинмаси сардорлари, милиция майори Тўхтамурод Файзиев ва милиция лейтенанти Маҳмуд Расулжоновлар осойишталик посбонлари билан навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда (пастда).

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.

Қува туманида диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётган шахсларни бу йўлдан қайтариш ёхуд уларга нисбатан тегишли чоралар белгилаш бўйича туманлараро прокуратура, ички ишлар бўлими қаторида маҳалла посбонлари ҳам кенг кўламдаги ишларни олиб бормоқдалар.

Суратда: Фарғона вилояти судьялар Ассоциациясининг раиси, Қува туман судининг бош судьяси Илҳомжон Васиев (чапдан иккинчи) Шербўтаев номли ширкат хўжалиги аъзолари А.Тошболтаев, Б.Шалимов ва Э.Матмусаевлар билан навбатдаги ишларни режалаштирмоқда.

Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган сурат

Оғриқли нуқталар

ОРИЯТСИЗ ЭРКАКЛАР ВА АРОҚХЎР ХОТИН

Аёли оқила, ширинсўз бўлган хонадонда қут-барака, тотувлик бўлади.

Эр бирор жойда ишламаса, оилам бор деб фарзандларининг тақдири учун қайғурмаса, бугун ким билан топишиб, юз грамм ичсам, деган фикру хаёл билан ерталаб турса, бу оила охири бориб, бир фалокатга учраши турган гап.

Эр-хотин қўш ҳўкиз, дейдилар. Мақолга аниқлик киритиш учун суд ҳукмини варақлаймиз. Абдусамад Бағдод туманида яшайди. Икки боланинг отаси. Ҳеч қаерда ишламайди. Сўнгги 3-4 йил ичида ароқхўрликка муккасидан кетган. Ичиб келишидан болалари, хотини юрагини олдириб қўйган. Бир-икки бор хотини Гулчеҳра отасиникига кетиб қолди. Абдусамад энди бундай ножўя ишларни қилмайман, ароқхўрликни ташлайман, деб қасам ичган. Хотининнинг куйишича бор, ичгандаям ўзи пул топиб ичса экан.

Она қизи билан уймаўй юриб, сут-қатиқ сотиб, тирикчилик қилсаю, тани-жони соғ бўла туриб, шу озгина жамғармани ҳам ота тортиб олса, бу қандай бедоллик?! Гулчеҳра бечора эрини инсофга чақириб, неча бор ялинди, тишини-тишига қўйди, фарзандларимнинг отаси деди. Бир куни инсофга келиб қолишини Худодан астойдил тилади. Лекин...

Абдусамад яна ичиб келди, яна ўзига ўхшаган ароқхўрни ҳам етаклаб келди. Гулчеҳра уларни яхши кутиб олди, чой дамлади. Уйдаги борйўғини дастурхонга қўйди. Хамир қилиб қўювдим, деб бегона эркак олдида эрининг шаънини ҳимоя қилди.

Эри Абдусамад буни яхши билади, шундай бўлса ҳам хотинига қараб ўшқирди: «Овқат қил, гўштнинг ўзини қовуриб кел!» Гулчеҳра нима дейишини билмай каловланиб турганида кучли мушт зарбидан гулзор ичига йиқилди.

Энди бу хўрлашга чидаб бўлмас, айниқса, бегона эркак олдида ёстиқдошининг шармандаларча муомаласи, кўзлари мўлтиллаб турган икки фарзандини ҳам эсини чиқариб юборди. Бир оила ароқхўрлик касофатидан барбод бўлди. Хотин ўлди, эр қамалди, ўртада икки фарзанд бевақт етим бўлди.

А.Аҳмедовнинг ҳаёти ҳам баъзи жиҳатлари билан айнан Абдусамадникиги ўхшаб кетади. Абдухалил Фарғона шаҳрида яшайди, қишлоқ тилида «городской». Ичкиликни анча эрта бошлаган. Кейинчалик улфатлари уни ишдан келишини кўчада кутиб туришни одат қилишган.

Абдухалил озгина қизиб олгач, ҳотамтойликни бошлаб юборарди. Шунинг учун ҳам улфатлари уни ёқтиришарди-да. Бора-бора Абдухалилнинг топган пули ичаётган ароғига етмай, хотини билан тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолди. Эркак одам, рўзғорнинг иқтисодий томонини кўтармай, ароқхўр бўлиб қолгандан кейин хотинига ҳам, бола-чақасига ҳам ёмон кўриниб қолади.

Шундай қилиб, Абдухалил вақтида этагини ёпиб олмагач, хотини ақл билан иш кўриб, ароқхўр эрни уйдан ҳайдади. Абдухалил уй-жойсиз қолди. Ишдан ҳам ҳайдалди, дарбадарликни бошлади. Шаҳар кўчаларини кезар экан, ўзига ўзи «Бир азамат йўқки, стаканни тўлдириб берса-ю, безовта қилаётган жойга урсанг» деб ўйлади. Шу пайт кўчадан оғир сумка кўтариб, ўрта ёшлардаги бир аёл ўтиб қолди. Абдухалил шаҳар кўрганлардан эмасми, дарров ёрдамга келди. Аёл билан тез тил топишди. Унинг ҳам дунёдан оғзи куйган экан. Эри йўқ, иккита фарзанди бўлсаям, уй-жойи борлиги Абдухалилга ёқиб тушди.

Абдухалил ўша кундан бошлаб шу аёлга боғланиб қолди, уни майда-чуйда ишларини қилиб ишончини қозонди. Бора-бора ўша билан яшай бошлади.

Хотинининг биринчи эри нимага ташлаб кетганлиги кейинчалик маълум бўлди. У ўта ароқхўр бўлиб, ҳар турли эркаклар ташриф буюриб кечани тонгга улаб маишат қилишарди. Ноқонуний хотинининг бу қилиғи Абдухалилга ёқмас эди. Начора, нима қилсин, кетай деса борар жойи йўқ. Навбатдаги шундай ўтиришлардан бирида чидай олмади, хотинини қаттиқ уриб, жаҳл устида ўлдириб қўйди.

Ҳа, изоҳга ҳожат йўқ. Инсоф, дину диёнатни йўқотган кимса охир-оқибат юз тубан кетиши ҳеч гап эмас экан.

Эрдавлат ОДИЛОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Уйда тинчи бўлсин аёлнинг...

«ДОКА РЎМОЛ ҚУРИМАГАН КУН»

Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, деб бежиз айтилмаган. Ҳақиқий вафо ва муҳаббатга асосланган оилада келин-куёв бир-бирини тўла тушуниб етгунча ўткинчи «айтишувлар», арзнома англашилмовчиликлар бўлиб туриши табиий бир ҳол. Оилада бирин-кетин жажжи фарзандлар дунёга келиши билан унинг қўрғони тобора мустаҳкам бўлиши ҳам ўз-ўзидан маълум. Бироқ қанийди, ҳар доим ҳам шундай бўлса? Шаҳрисабз туманлараро прокурорининг ёрдамчиси Фахриддин МУРОДОВ «дока рўмоли тез қуримаган» бир оила ҳақида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

Абдихолиқ Ҳасанов Шаҳрисабз шаҳрининг М.Абдирахмонов номидаги кўча, 85-уйда яшайди. Кўриб-билиб, балки кўнгли кетиб, Шаҳодат Раҳимова деган қизга уйланган. Уларнинг уч нафар вояга етмаган фарзандлари ҳам бор. Демакки, ҳеч ками йўқ оила. Бироқ оила бошлиғи Абдихолиқ оиладаги ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, бот-бот ичиб келадиган, бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб, хотинини урадиган одат чиқарди. Шаҳодат аввалига ҳаммасига чидади. Уйдаги гапни кўчага чиқаришни ўзига эп кўрмай яхши бўлиб кетар, деб тишини-тишига қўйди. Абдихолиқ ҳар сафар жанжалдан кейин кайфи тарқагач, бинойидай бўлиб қолар, оғзига ароқ тегди дегунча уйга келиб яна бечора хотинини дўппослашга тушарди. Ёпиғли қозон ёпиғлигича қолмади. Абдихолиқнинг номақул феъл-атворидан аввалига яқин қариндошлар, кейин маҳалла-кўй воқиф бўлди. Уларнинг маслаҳатлари ва панд-насиҳатлари ҳам кор қилмади. Аёл ноилож ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Енгил тан жароҳати олгани учун судга ариза берди.

Оила — муқаддас даргоҳ. Унинг меҳр-муҳаббатдан тикланадиган қўрғонига икки томонлама оқибат ришталари ўраб-чирмаб ташланмаса, бора-бора оила қўрғонига дарз кетади. Абдихолиқ ўзининг бемаъни хатти-ҳаракатлари билан гулдай рўзғорини пароканда қилди. Шаҳодат уч боласи билан уйидан чиқиб кетди. Яқинда бўлиб ўтган Шаҳрисабз шаҳар судининг мажлисида Абдихолиқ Ҳасанов барча айбларини бўйнига олиб, хотинидан кечирим сўради. Одил суд эса Абдихолиқ Ҳасановнинг айбига иқрорлигини ва пушаймонлигини ҳисобга олиб, иш ҳақидан давлатга 30% миқдорида ушлаб қолинган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Жабрланувчи аёл болаларини ўйлаб, эрини яна бир марта кечирса, нур устига аъло нур бўларди...

Суҳбатдош: Ғози РАҲМОН, «Инсон ва қонун» мухбири

Ҳаммамизнинг бурчимиз

ПАСПОРТ — ҲИМОЯЛАНГАНЛИК КАФОЛАТИ

Паспорт фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатина эмас, балки унинг маълум давлат фуқароси бўлиб, мазкур давлат ҳимояси остида эканлигининг кафолати ҳамдир. Шу сабабли паспорт тизимини замонга мос равишда такомиллаштириб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Тошкент шаҳри ички ишлар идоралари, хусусан, хорижга чиқиб келиш ва фуқаролик ҳизмати ходимлари томонидан республика пойтахтида, паспорт тизимига риоя этилишини таъминлаш, фуқаролар хавфсизлиги, тинчлиги ва жамоат тартибини сақлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, паспорт тизимига риоя этмаслик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Ички ишлар идоралари томонидан бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тегишли чоралар кўриш, уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этишга катта эътибор берилмоқда.

Ўтган йил мобайнида паспорт тизимига риоя қилинишини текшириш ишлари 213805 хусусий уйлар, 961.916 хонадонлар, 981 ётоқхоналар, 494 меҳмонхоналар, 1475 корхоналар, 1486 ташкилотларда амалга оширилди. Ҳанузгача фуқароларимиз, шунингдек, мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган, ишлаётган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан амалдаги қонунларни билиб-билмай бузиш ҳоллари учраб турибди.

Текширишлар жараёнида паспорт қоидаларини бузиб яшаётган 40262 шахс аниқланди. Уларнинг 35442 нафари Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 4251 нафари МДҲ давлатларидан келган шахслар, 548 нафари хорижий давлатлар фуқаролари, 21 нафари эса фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Мазкур ҳуқуқбузарларнинг 22066 нафари пропискасиз, 16478 нафари вақтинча рўйхатда турмасдан, 1473 нафари амал қилиш муддати тугаган ҳужжатлар билан, 117 нафар хорижий фуқаролар муддати тугаган виза билан, 128 нафари эса визасиз яшаётганлиги аниқланди ва уларга қонунда белгиланган жиддий чоралар кўрилди.

Ачинарлиси шуки, корхона, ташкилотларнинг ушбу соҳага масъул бўлган айрим мансабдорлари томонидан ҳам паспорт тизими қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари учрамоқда. Ўтказилган текширувлар жараёнида 338 нафар шундай қоидабузарликка йўл қўйган амалдор шахс аниқланди.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ўз шахсий уй ва хонадонларини ижарага бериш ҳоллари анъанавий тус олган. Бундан қандайдир салбий сабаблар қидириш ниятида эмасмиз. Зеро, бозор шароитидан, қонунларидан келиб чиқадиган бўлсак, талаб мавжуд экан, таклиф ҳамма вақт бўлаверади. Бироқ мазкур ҳолатнинг салбий томони шундан иборатки, кўплаб ижарага қўювчи шахслар ўз «квартирант»ларини ички ишлар идораларидан рўйхатдан ўтказиш лозимлигини билишмайди. Ёки билса ҳам бу масалага панжа орасидан қараб, ўз билганича иш тутишади. 1999 йилда уйини ижарага берган 1363 шахс аниқланди.

Юқорида келтириб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарларнинг барчасига нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилди. Хусусан, улардан 24.276.870 минг сўмлик жарима давлат ҳисобига ундириб олинди. 2342 нафар шахс чет эл ва МДҲ давлатларидан келганлар, паспорт тизимини қўпол тарзда бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилди. 3068 шахс эса маъмурий тарзда огоҳлантирилди ва улардан тушунтириш хатлари олинди.

Паспорт тизими ходимлари жиноятлар ва жиноячиларни аниқлашда ҳам ёрдам беришаяпти. Масалан, Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Ш.Н. исмли фуқаро конституцион тузумга қарши варақалар тарқатгани учун ушланди. Ҳамза туманида истиқомат қилувчи фуқаро К.У., Бектемир туманида яшовчи Р.Р. исмли шахслар ҳам амалдаги тузумга қарши адабиётлар тарқатганлиги учун ушланди. Ушбу шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Аҳоли ўртасида паспорт тизимига риоя этиш борасида ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Русийзабон фуқаролар орасида эски паспортни алмаштириш, акс ҳолда улар ўз фуқаролигини йўқотишлари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифасига кириб қолишлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Муборак Ҳаж сафарларига борувчи фуқароларимизга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарорига биноан ходимларимиз Ҳаж сафарига борувчи фуқароларимизнинг ҳужжатларини ўз вақтида, тез ва сифатли тайёрлаб бердилар. Бу жараёнда ҳеч бир қонунбузарликка йўл қўйилмади.

Паспорт тизими жуда масъулиятли соҳа. Ахир, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террористик тажовузларнинг аксарият иштирокчилари биринчи навбатда паспорт тизими қоидаларини бузишмаганмиди? Шундай экан, паспорт тизимидаги барча қонун-қоидалар, биринчи навбатда фуқароларнинг тинчлиги, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўрнатилган. Уларга қатъий риоя этиш ҳамманинг бурчи ҳисобланади.

Абдуҳофиз РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи

Жаҳолатга қарши маърифат

«ҲАҚ БЕРИЛМАЙДУР, ОЛИНАДУР!..»

Баъзи ҳолларда айрим ҳамюртларимизнинг ижтимоий, ҳуқуқий масалаларда баҳслашиб қолганлигига гувоҳ бўламан. Бундай баҳслар орасида баъзан тарафларнинг ўз меҳнат жамоаларида раҳбарлар «монополия» ўрнатиб олишганлигини, оддий одамлар ҳақ-ҳуқуқларини менсимаётганликлари ҳақида ҳам гапирадилар. Ахир, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси тўла кафолатланган ҳуқуқий давлат қуришни бошлаб юборганимизга неча йил бўлди? Албатта, зиддиятсиз турмуш, муаммосиз ҳаёт бўлмайди. Аммо оддийгина ҳуқуқига путур етиб, ўз жамоасида, ўзи яшаётган туманда муаммоси ҳал этилмай, вилоят, ҳаттоки пойтахтдаги маҳкамаларгача ариза-шикоят кўтариб юрганлар ҳам оз эмас. Айни чоғда вазифам тақозосига кўра ҳар куни ўнлаб ўз ҳақ-ҳуқуқининг тикланишини талаб қилиб, адолат истаб юрган ҳамюртларим билан суҳбатлашаман. Ўриндошлик асосида Термиз политехникуми қошида ташкил этилган ҳуқуқшунослик бўлими талабаларига сабоқ ҳам бераман. Бу кузатувларимдан шундай хулосага келаяпманки, ҳуқуқий онг ва билимга жиддий эътибор беришимиз керак экан. Ҳуқуқий билимга чанқоқлик оддий одамларда жуда кучли. Ана шуни эътиборга олиб, ҳеч бўлмаса ҳар ойда бир кун меҳнат жамоаларида ҳуқуқшуносликдан сабоқ олиш кунини ташкил этиш зарурмикин, деб ўйлаб қоламан. Чунки биз фаолият юритаётган идорага «ҳақиқат.излаб» келувчиларнинг аксариятини оддий одамлар ташкил этади. Баъзилари жиғибийрон бўлишиб, «Бу дунёда ҳақиқат, адолат борми?» деб қолади. Ана шундай кезларда улуғ аждодларимиздан бири - Сулаймон Боқирғонийнинг «Ҳақ берилмайдур, олинадур!», деган ҳикматли сатри ёдимга тушаверади. Башарти, биз ўз ҳаққимизни талаб қилолмас эканмиз, қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзларимизни тўрачилик кайфиятидаги амалдордан тортиб ололмас эканмиз, турган гапки, бу андишабозлигимиздан айримлар усталик билан фойдаланади. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари шаънига кескин ва одилона танқидий фикр билдирдилар. Нафсламбирини айтганда, мазкур соҳа шунчаки танқид қилинмади, балки айнан халқимизнинг кўнглида тугун бўлиб ётган гаплар айтилди. Чунки вилоят раҳбарлари кундалик эҳтиёжга, юмушга айлантириб олишган қинғирликларни матуботда танқид қилиш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда гапиришга кўпчилик ҳадиксирар эди. Тан олмоқ керак, кўпгина ҳамюртларимизнинг феълидаги андишабозлик, юз-хотирчилик, ортиқча камтарлик ва ғайриқонуний ишларга лоқайдлик уларнинг нонларини «туя» қилаётган айрим раҳбарларга қўл келаётир. Яна бир тоифа раҳбарлар ҳам борки, улар ҳуқуқий жиҳатдан саводсиз. Саводсизлик эса ўз-ўзидан жоҳилликни юзага чиқаради. Жамоаларда ҳукм сураётган лоқайдлик саноқли кишиларни яккалаб қўяди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишни билмайдиган одамларни эса осонгина алдаш, юпатиш мумкин, деб ўйлашадиганлар бор-да!

Жарқўрғон нон комбинати раҳбари Г.Раҳмонов томонидан меҳнат қонунчилиги қўпол равишда бузилган. У жорий йилнинг 17-18 февраль кунларида иш ҳажмининг камайганлигини важ қилиб, 18 нафар ходим (шулардан 6 нафари серфарзанд аёллар) билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарган. Ушбу ҳолат ўз-ўзидан аёнки, Меҳнат Кодексининг 67-моддасига зиддир. Эскичасига фикрлаш, иш юритишга одатланган раҳбар, ҳатто бундай ғайриқонуний қарорга келишдан аввал маъмурият ва касаба уюшмасининг йиғилишини чақириб, меҳнат жамоаси билан келишишни ҳам ўзига эп кўрмаган.

Термиз пахта тозалаш заводи раҳбари Ш.Закимов шу жамоа ходими Р.Айтиновани ўзининг розилигисиз ҳақ тўланмайдиган мажбурий меҳнат таътилига чиқариш ҳақида буйруқ чиқарган. Раҳбарият томонидан ана шундай «муносабат» 2-вилоят шифохонаси ҳакими Д.Кучербаевага ҳам қўлланган. Ўтган йили «Сурхондарё почтаси» давлат акционерлик компанияси раҳбари ғайриқонуний тарзда штатлар қисқартирилиши муносабати билан барча шаҳар ва туман почта-алоқа бўлимларида тўрт соатлик иш куни жорий этган.

Бизнинг жиддий аралашувимиздан сўнг юқоридаги ҳолатларга ўхшаш қўплаб муаммолар ўз қонуний ечимини топди. Албатта, биз ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилган фуқаролларнинг муаммоларинигина ҳал этдик, холос. Аммо биз ва бошқа тегишли идоралар билмайдиган ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар қанча? Мен ўзим ҳуқуқ асосларидан сабоқ бераётган талаба-шогирдларим билан уларни ўзлари яшайдиган жойларда ташвишга солаётган муаммолар ҳақида суҳбатлар ўтказаман. Баъзан бу суҳбатлар савол-анкета усулида ташкил этилади. Уларнинг беғубор шуурларида ҳам одамларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орзуси мужассам эканлиги мени беҳад қувонтиради. Ҳуқуқшунослик фанидан сабоқ беришда кўпроқ эркин муҳит барпо этишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу хайрли ишда бизга «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқ» газеталари каби ҳуқуқий нашрлар асосий кўмакдош бўлмоқда.

Мумкин қадар меҳнат жамоаларида, одамлар орасида бўлиб, ҳуқуқий тарғибот ишларини жонлантиришга интилаяпмиз. Гоҳ пинҳон, гоҳо ошкора ҳуқуқи бузилаётган ҳамюртларимизга «Сиз қонунда белгиланган имтиёзлари кафолатланган келажаги буюк мамлакатнинг озод фуқаросисиз, кимларнингдир таъна-дашномлари, тазйиқларидан чўчимай курашинг, ҳақ берилмайди, олинади!» дегим келади.

Турсуной ЖЎРАЕВА,
Касаба уюшмалари Сурхондарё вилоят кенгаши ҳуқуқ назоратчиси

Алҳазар!

ЁМОН СЎЗНИНГ ОҚИБАТИ

Кампир тушкун кайфиятда бир танишининг таъзиясидан уйига қайтиб келаркан, ҳозир невараси Сергей қўлидаги тугунчасини олишни кўз олдига келтириб, эшикни тақиллатди. Невараси зап ажойиб йигит бўлиб вояга етмоқда. Ишқилиб, кўз-пўз тегмасин-да. Ота-онаси эса ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб, дашном беришгани етмаганидек, «Йигит эмассан, қўлингдан ҳеч иш келмайди», деб эртаю-кеч зор қақшагани-қақшаган. Шунинг учун ҳам у таъна-дашномлардан қутулиш мақсадида ота-онасидан ҳам, якка-ю, ягона укасидан ҳам воз кечиб, шаҳарнинг нариги чеккасидан бувисиникига келиб яшаб юрибди. Бахтига 83 яшар бувиси Поршакова Матёрева Ивановна бор экан. Йўқса қаердан бошпана топарди. Бувижонисининг меҳрибонлигини айтмайсизми...

Эшикни ҳеч ким очмади. Нима бало, эшитмадими ёки ухлаб қолдимикин? Бундан 1-2 соат олдин мен уйда бўламан, бораверинг бувижон, деб кузатиб қўйган эди-ку. Кампир бу дафъа қоқсуяк қўллари билан эшикни қаттиқ-қаттиқ тақиллатди. Кейин очилишини кутиб, бир зум хаёлга чўмди. Кечагина раҳматли қадрдони ўйнаб-кулиб юрган эди. Бугун эса бу фоний дунёда йўқ. Уйи ҳувиллаб, топган-тутгани ҳаммаҳаммаси қолди-кетди. Унинг чироғини энди ким ёқади? Матёрева холанинг эса кўнгли тўқ. Меросхўри бор, вақти етса уйи, мол-мулки шу неварасига қолади. Ҳар ҳолда Сергей руҳини безовта қилиб қўймас. М.Поршокованинг бу ҳолатда хаёл суриб туришдан фойда йўқлигига кўзи етди. Ташқарига чиқиб, бир қўшнисининг нарвонини сўраб олди. Шунақа пайтда ҳамма ҳам биринчи қаватда яшаётганлигидан хурсанд бўлиб кетса керак. Онахон ҳам шунга шукр қилиб, балкон деразасидан ошиб, уйига кирди. Сергейни қидира бошлади. Мен билан ҳазиллашиб бирор жойга бекиниб олдимикин, деган фикрга бориб, олдин каравот тагларини, кейин шкаф ичларини бирма-бир кўриб чиқди. Ундан ном-нишон ҳам йўқ. Охири ҳафсаласи пир бўлгач, ошхона томонга ўтди. Кимдир эшикка ичкаридан бақувват тахта тираб қўйибди. Ҳайратланиб, ёнига борди. Не кўз билан кўрсинки, ташқи эшикнинг чап томонида эгнига яшил рангли тўнча, оёғига оппоқ пайпоқча кийган бир болакай ўлиб ётган экан. Кўзларига ишонмади. Аммо уни дарров таниди. 4-қаватда яшайдиган қўшниси Рустам Жабборовнинг Жавоҳир исмли 5 яшар ўғилчаси эди. Эрталаб таъзияга бораётганда ҳовли олдида ўйнаб юрган эди бечора. Унга ким қасд қилди экан? Нега? Яна улар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ одамнинг уйида-я. Эй Худо, бу қанақанги сир-синоат бўлди? Бирорта қонхўр балки невараси ҳам Жавоҳирдек бир жойга ташлаб кетгандир. Бўлмаса Сергей қаерда бўлиши мумкин? М.Поршокованинг кўнглидан шундай шубҳали фикрлар кечиб, ҳовлиқиб ташқарига чиқди.

- Вой-дод, одамлар, ёрдам беринглар! - деб чинқирди. - Тезда милицияни чақиринглар, милицияни...

Унинг ваҳимали овози эшитганларни бефарқ қолдирмади. Кимдир хабар бергани Термиз шаҳар ички ишлар бўлимига югуриб кетди. Кимлардир нима гаплигини билиш учун М.Поршокованинг олдига кела бошлади. Термиз шаҳар ички ишлар бўлими жиноятнинг олдини олиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Эсонқул Сайиталиев бошчилигидаги тезкор гуруҳ етиб келиб, йиғилганларни тинчлантирди. Кичик тумандаги уйларнинг ертўла ва томлари синчиклаб текшириб чиқилди. Айни пайтда Сергейнинг фотосуратлари кўпайтириб олинди. Унинг топилиши бу жиноий ишга ойдинлик киритилишига моҳир милиционер Эсонқул Сайиталиев ишонарди.

***

У Володяларникига келиши биланоқ:

- Вова, биласанми, мен ҳозир одам ўлдириб келаяпман, - деб мақтанди.

Ўртоғининг бу совуқ гапидан бутун бадани жимирлашиб кетди:

- Нега, қандай қилиб?

- Кўчада ўйнаб юрган бир болани алдаб уйга чақирдим. Эшикларни маҳкам бекитиб, бўғиб ўлдириб қўя қолдим. Яна тирилиб кетмасин деб шу пичоғимни биқинига бир неча марта санчиб олдим, - деди у қўйнидан пичоғини олиб, Володяга узатаркан. - Агар жўрам бўлсанг, шу ханжарни яшириб қўй. Кейин оламан.

- У сенга нима ёмонлик қилган эди? Жуда чатоқ иш бўлибди. Энди нима қиласан?

- Бувим бир жойга чиқиб кетган эди. Ҳозир уйга бориб ўликни йўқ қилиб ташлайман, - калласига келган бу фикрдан Сергейнинг безовта кўнгли таскин топиб, катта йўл бўйлаб бувисиникига қараб шошди. Тезкор гуруҳ дарров қотил Сергей Старостин Алексеевични қўлга олди. У дастлабки савол-жавобдаёқ ўз гуноҳига иқрор бўлди:

- Қўлимдан бирор иш келишини, ҳеч қурса, ўлдира олиш-олмаслигимни синаб кўрдим, - деди қотил йиғламсираб. - Шу кунгача отаонам қўлингдан ҳеч иш келмайди, деб жонимга тегди. Мен вақти-соати келиб, ота-онам ва бошқалар қилган ишни эпларман. Аммо улар мен бажарган ишни қила олармикин?..

- У 20 ёшда. Ҳали ҳеч қаерда ишламаган. Экспертизанинг берган хулосасига кўра ўша куни Сергей Старостин спиртли ичимлик ҳам, гиёҳванд моддаси ҳам истеъмол қилмаган, - деди суҳбат чоғида Термиз шаҳар прокуратураси катта терговчиси Ў.Ўтаев. - Ота-онасининг қўлингдан ҳеч иш келмайди қабилидаги таъна-дашномлари қаттиқ таъсир қилганга ўхшайди. Уни бугун-эрта руҳий экспертиза кўригидан ҳам ўтказамиз.

Мана, ёмон сўзнинг ёмон оқибати. Ёмонни ёмон десангиз, вақти келиб ўз разиллигини намойиш қиларкан. Шунинг учун оиладами, ишдами, кўча-кўйдами, қаерда бўлмайлик, ҳар доим дилимиз тўридан яхши ниятлар жой олсин. Тилимиздан эса асалдек ширин сўзлар аримасин.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» махсус мухбири

Суратда: Термиз шаҳар ички ишлар ходими, милиция подполковниги Эсонқул Сайиталиев.

ФАЛОКАТ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҒИ ШАРТ

Чора

Қизилтепа Бухоро, Қашқадарё вилоятлари билан чегарадош бўлиб, Эрон, Туркманистон, Туркияга қатнайдиган транспорт воситаларининг кўпи туманимиз орқали ўтади. Ана шундай серқатнов вазиятда транспорт бошқарувчисидан юксак интизом, ҳаракат хафсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш талаб қилинади. Акс ҳолда ҳайдовчилар кутилмаганда бахтсиз ҳодисаларнинг сабабчиси бўлиши мумкин.

Туман ИИБ ДАН бўлинмаси ходимлари томонидан кўча ва йўлларда транспортлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, автофалокатларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туман қонунни муҳофаза этувчи органлари, Ватанпарвар автомотоҳаваскорлар жамияти, ДАН инспекцияси ходимлари меҳнат жамоаларида, мактаб, ташкилотларда бўлиб, ҳаракат хавфсизлигига оид лекция ва суҳбатлар ўтказиб, туришларига қарамай, айрим автофалокатлар содир бўлиб турганлиги ачинарли. Факт ва таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, аксарият бахтсиз ҳодисалар кўча ва йўл ҳаракати қоидалари қўпол равишда бузилганда ёки спиртли ичимлик ичган ҳолда транспорт воситаларини бошқаришдан келиб чиқмоқда. Далилларга мурожаат этайлик. 2000 йилнинг 3 ойи давомида 4 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилиб, бунинг оқибатида 2 киши ҳалок бўлди, 3 киши эса турли хилда тан жароҳати олишди. Болалар иштирокида жорий йилнинг 3 ой мобайнида 1 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган.

...Гаффоров Жаҳон Жабборович 1999 йил 21 август куни соат тахминан 1^{00} ларда ўзининг «Москвич-412» русумли автомашинасида Қизилтепа шаҳри томонидан Когон шаҳри томон ҳаракатланиб, йўлнинг қарама-қарши йўналишдан, яъни Қизилтепа шаҳри томон ҳаракатланиб келаётган фуқаро Амонов Зиёдулло ўз бошқарувидаги Восход-3М русумли мотоцикл билан йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиши оқибатида тўқнашади ва йўл-улов ҳодисаси содир қилади.

Ушбу йўл-улов ҳодисаси натижасида мотоцикл бошқарувчиси фуқаро Зиёдулло Амонов тан жароҳати олиб, воқеа жойида вафот этади. У билан бирга келаётган фуқаро Ўктам Ҳамдамов эса оғир тан жароҳат оқибатида туман касалхонасида вафот этди.

Туман суди, судья У.Холиқов бошчилигида 1968 йили Когон шаҳрида туғилган, 2 нафар фарзанднинг отаси Жаҳон Гаффоровнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, уни 8 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этди.

Шунингдек, Отабек Явқочев соат тахминан 21^{00}лар чамаси ўзига тегишли бўлган «Восход-3М» русумли мотоциклининг олдинги чироқларини қоронғида ёқмасдан спиртли ичимлик ичган ҳолда бошқариши натижасида вояга етмаган фуқаро Ҳаётхон Ориповага тан жароҳати етказиб, марказий касалхонага ётқизилишига сабаб бўлган.

Отабек Явқочев ўзининг юқорида кўрсатилган қилмиши, яъни жиноий ҳаракатлари билан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг 12-пунктини қўпол тарзда бузганлиги учун туман суди томонидан тегишли жазога мусаҳиқ этилди.

Абдураҳмат БОЛТАЕВ,
Қизилтепа туман прокурори, III даражали ҳуқуқшунос

Қилмиш-қидирмиш

ҚЎЛИ ҚИНҒИР БОЗОРҚЎМ

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар ва уларни ҳар турли тазйиқ ҳамда текшир-текширлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг ўсишида етарли омиллардан бири бўлмиш кичик ва ўрта бизнеснинг ривожида кучли туртки бўлаётир. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорликни равнақ топтиришда фақат ишчанлик, талабчанликнинг ўзи етарли эмас экан. Шулар билан бир қаторда тадбиркорликка интилиб, муайян соҳада иш бошлашга киришмоқчи бўлган фуқароларга керакли имкониятлар яратиб бериш, уларни ҳар хил оворагарчиликлардан халос этиш, жойлардаги мутасадди ходимлардан ишга холислик ва беғараз ёндашишни талаб этади. Афсуски, айрим ҳолларда ҳали ишни бошламай турибоқ қаршиликларга дуч келаётган фуқароларимиз ўз имкониятларини ишга солишга қийналиб қолишаётир. Бундай ҳолларда таъмагирлик, порахўрлик каби иллатлар уларнинг фаолиятини орқага сурмоқда. Мулоҳазаларимизга далил сифатида қуйидаги мисолни келтириш ўринли бўлса керак. Жиззахлик фуқаро Исмат Тўраев Дўстлик туманидаги «Деҳқон бозори»да «Денди» ўйини ўрнатиладиган жиҳозларни ўрнатиш учун жой сўраб «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси лавозимида ишлаб турган Мустафоқул Искановга мурожаат қилади. Маълум бўлишича, «Деҳқон бозори»нинг кийим-кечак расталари жойлашган қисмида икки хонали бўш турган жойни болалар учун ўйнаб дам оладиган хонага айлантириш учун шароитлар мавжуд экан. Бир қарашда Исмат Тўраевнинг яхши ният билан иш бошлаши осон кўчадигандай кўринди. Бозорқўм унга айни пайтда бўш турган икки хонали жойни кўрсатди, хона атрофида савдо қилиб турган тадбиркорларга Исмат Тўраевни таништирди ва бу бўш хоналар «Денди» ўйинини ташкил қилиш учун унга берилганини айтди. Бироқ бунгача... бозорқўм Мустафоқул Исканов Исмат Тўраевга бозор ичидаги ана шу жойни бериши, бунинг учун кўп эмас, кам эмас ўн минг сўм «қистириши» лозимлигини шипшиб қўйган эди.

Хуллас, И.Тўраев бозорқўм талаб қилган пулни топиб, «Деҳқон бозори»га йўл олади. М.Исканов уни қучоқ очиб кутиб олади ва юқорида айтганимиздай, бўш турган жойни унга кўрсатиб, «савдонинг пишгани»ни, энди одамлар назаридан четроқ жойга чиқиб «ҳисоб-китоб» қилиб қўйишга ишора қилади. Бозорқўмнинг ишораси билан бозордан Дўстлик кўчасида жойлашган «Шаҳзод» чойхонасига кириш жойида И.Тўраев келишилган пулни М.Искановга узатиб, санаб олишини айтади. Бозорқўм эса оғзини тўлдириб, унга ишонишини таъкидлаб, бир пачка 100 дона юз сўмликни чўнтакка урган пайтда вилоят ИИБ оператив ходимлари томонидан ушланиб, содир этган жиноятига иқрорлигини имзо чекиб тасдиқлайди. Қўли қинғир бозорқўм Мустафоқул Исканов хизмат мавқеидан фойдаланиб, қасддан пора олиб, Жиноят Кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган ва бунга яраша жазосини олди. Аммо унга ўхшаган ўз манфаатидан бошқасини билмайдиган бозорқўмлар оз дейсизми, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишга уринаётган кишиларнинг кўнглини ишдан совутаётганлари охир-оқибат иқтисодиётимиз ривожига тўсиқ бўлмаяптими?!

Мазкур ҳаётий фактдан чиқадиган хулоса шуки, тадбиркорликка бугунги кунда жуда катта эътибор, ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ҳар жабҳада кўз-қулоқ бўлиб, Мустафоқул Искановга ўхшаган юлғич, порахўр кимсалар таловидан уларни ҳимоя қилишга шай туришлари лозим.

Баҳром КАМОЛОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси терговчиси

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Анжуман

Бевосита қаламкашлар иштироки, кўмаги, мадади, маслаҳати, фикр ва мулоҳазалари билан амалга ошириладиган ишлардан ҳам катта самара келиши тайин. Хоразм вилоят давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари ва жамоаси айнан шундай фикрни дилларига жо этишган. Бу ерда бошқарма раҳбарияти ташаббуси билан республика ва вилоят оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ етакчи ходимлари иштирокида «Давра суҳбати» ўтказилгани халқимиз тилидаги «Кенгашли тўй тарқамас» нақлига бекаму кўст риоя этилаётганидан далолат берди.

Бошқарма бошлиғи И.Қўзиев солиқ қонунчилиги талабларини бажариш, ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни таҳлидлай туриб, ҳозир бўлган оммавий ахборот воситалари вакилларига бу соҳада ранг-баранг мавзуларни таклиф қилди, ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни кучайтиришга даъват этди.

Матбуотда тармоқ фаолиятига доир материалларга тез-тез дуч келамиз. Ҳатто бу соҳа ҳаётини ёритишга ихтисослашган жамоалар, қалам соҳиблари ҳам етишиб чиқди. Лекин булар ҳали етарли эмас. Солиқ қонунчилиги ижроси билан боғлиқ таҳлилий, публицистик чиқишлар онда-сондагина кўзга чалинади. Хусусан, солиқларни намунали равишда тўлаётган, ўзининг ҳам, эл-юртнинг ҳам бойлигига бойлик қўшаётган ҳалол, омилкор, интизомли тадбиркорлар, жамоалар иши ва тажрибасига оид мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар ниҳоятда оз. Кейинги пайтларда ахборот воситаларида ўрта ва кичик бизнесни рағбатлантириш, хўжалик субъектларини ноқонуний текширишларни жиловлашга доир чиқишларга ўрин ажратилаётганлиги айни муддао. Бироқ мавзуга оид материаллар сон-салмоқ жиҳатдан ҳам, сифат-мазмун, моҳият ва аҳамият жиҳатдан ҳам юқори босқичга кўтарилмоғи даркор. Солиқ қонунчилигини бойитишда ҳам қаламкашларнинг улуши катта бўлмоғи даркор.

Солиқчиларнинг матбуотчилар билан учрашувига бағишланган анжуманда сўзга чиққанвилоят ҳокимининг ўринбосари М.Шарипов, вилоят ва қатор шаҳар ҳамда туманлар солиқ маҳкамаларининг раҳбарлари, масъул ходимлари, журналистлар халқ ва давлат манфаатлари йўлида ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлигини якдил бўлиб таъкидладилар. Қаламкашларни ахборот билан таъминлашнинг муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Суҳбат иштирокчилари ҳатто газета ва журналларнинг обуначилари, телевидение ва радио мухлислари сафини кенгайтириш, кўп сонли солиқ ходимларининг фаол ўқувчилар, томошабин ва эшитувчилар қаторидан жой олишини таъминлаш соҳасидаги масала ва муаммоларни ҳам четлаб ўтишмади.

Солиқ бошқармаси амалга оширган бу тадбир вилоятда оммавий ахборот воситалари нигоҳидан бирмунча ҳоли тарзда фаолият кўрсатишни хушловчи айрим ҳуқуқ-тартибот ва бошқа тегишли маҳкамалар учун бир сабоқ, ибрат бўлса ажабмас.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Сиз кутган учрашув

Сайёра ҚОЗИЕВА:
«ҚЎШИҚЛАРИМ-ИЗЛАНИШЛАРИМ, ҮЙҚУСИЗ ТУНЛАРИМ МАҲСУЛИ...»

Инсон доимо дилбар қўшиққа интиқ. Бу интиқлик замирида қалб дардини енгиллатишга, қувонч бағишлашга мойиллик бор. Одамзотнинг табиати қизиқ. У энг бахтли онларида ҳам, энг қайғули кунларида ҳам қўшиқ тинглашга интилади. Шўх қўшиқ қувончга қувонч қўшади. Юракдаги қат-қат музларни эритиб, бутун вужудни сел қилиб юборади. Шу тариқа инсон дилини ўртаётган туйғулардан халос бўлади.

Бизларни ана шу мўъжизага дучор қиладиган, сеҳрлаб, дилимизни оҳанглар билан занжирлаб қўядиганлар санъаткорлардир. Ҳар ким ўзича қўшиқ айтади, биров хиргойи қилиб, биров баланд овозда, яна биров чин маънода.

- «Санъаткор деган номга эга бўлиш осонми?» Биз шундай савол билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиевага мурожаат қилдик.

- Санъаткорни суядилар, унга ҳавас қиладилар. Аммо унинг-да ҳаёт йўли гоҳо мақтовли, баъзан маломатли. Ана шуларга дош бермоққа сабр-иродаси етганларгина бу сеҳрли оламдан жой оладилар. Дилни ларзага соладиган, нураб ётган руҳимизни, карахт ҳис-туйғуларимизни уйғота оладиган хонандаларгина шундай шарафга лойиқ.

Санъатнинг йўли тасаввур этганимиздан ҳам улуғвор. Ҳали гўдак пайтимиздаёқ санъатга бўлган муҳаббатимиз туйғуларимизга сайқал бера бошлайди. Болаликда эшитган айтимларни, оналаримиз айтган аллаларни эслайлик. Буларни қўшиқ деб ташни ўзи камлик қилади. Улар даврнинг тугал ифодаси, тугал меҳри, соғинчи, орзу-армони. Бу мусиқий хазиналар бой маданиятимизнинг ўлмас мероси бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

- Сизни илгари бойсунлик халқ қўшиқлари ижрочилари орасида ҳам кўп учратар эдик. Айни пайтда аксарият қўшиқларингиз эстрада жанрига яқинлашиб бораяпти. Кейинги йилларда «бошдан-оёқ» чет эл чолғу-асбоблари ёрдамида куйлаш, ҳатто ўз қўшиғига ўзи маст бўлиб рақса тушиш ҳоллари урф бўлаяпти. Ҳам миллий, ҳам эстрада қўшиқлари ижрочиси сифатида сизнинг бунга муносабатингиз?

- Кейинги пайтларда Юртбошимиз миллий қўшиқларимизга, миллий санъатимиз ривожига катта эътибор қаратаяптилар ва ушбу соҳа тараққиётига ҳисса қўшаётган кишиларга ҳам. 90-йилларда «Шалола» ашула ва рақс ансамбли билан Африка, Польша ҳамда Англиянинг 12 шаҳрида ўзбек миллий ашула ва рақсларини намойиш этганмиз. Томошабинлар тилимизни тушунишмаса-да, бизнинг чиқишларимизни завқ билан томоша қилиб, олқишлаганлар. Демоқчиманки, халқ истеъдодни юқори баҳолайди. Яқин-яқинларгача ҳам эл суйган отахон устозларимиз битта доира ва тор билан ҳам барчанинг олқишига сазовор бўлиб келганлар. Менимча, ҳақиқий санъаткор учун овозни компьютерга солиб, мусиқа асбобларини ҳаддан зиёд кўпайтириб, бўёқ бериш шарт эмас. Мен ўз овози ва йўлига эга бўлган санъаткорларни эъзозлайман. Қўшиқ айтиб, рақс тушишга келсак, менимча, бунинг учун қўшиқчи раққослик маҳоратига ҳам эга бўлиши керак. Ўзбекча ашулани чет элча ҳаракатлар билан изоҳлаш кутилган натижани барибир бермайди.

- Санъаткорнинг унвонга нисбатан муносабатини қандай изоҳлайсиз? Халқ тан олса, тингласа, шунинг ўзи олий мукофот эмасми?

- Санъатимизни қадрлаётган энг аввало Президентимиз, қолаверса,халқимиз, мухлисларимиз. Тўғри, элнинг олқиши ва эътибори ҳар қандай унвондан устун. Лекин ана шу эътиборнинг, таҳсиннинг ҳам ўлчови бор. Унвонлар санъаткорнинг юксакликка кўтарилиши учун пиллапоя вазифасини бажаради. Унинг меҳнатлари, изланишлари қадрини топса, бу унга янада илҳом, жўшқинлик бахш этади.

- Баъзан турли хонандалар қўшиқлари оҳанги бир-бирига ўхшаш бўлади. Бунинг сабабини қандай изоҳлайсиз?

- Қўшиққа матн танланганда ўз имкониятлари доирасидан келиб чиқиб, иш тутилади. Ким ҳақиқий ижрочи, ким тақлидчи - буни билиб олиш қийин эмас. Чунки санъаткорнинг ҳаётини, унинг кимлигини айтган қўшиқларидан билиб олса бўлади.

- Қўшиқ яратишда кўпроқ нималарга эътибор берасиз? Яратган қўшиқларингизни мукаммал деб биласизми?

- Кўпроқ шеърдаги сўзларнинг оддийлигига, яъни барча тушунадиган оммабоплигига, мазмунига эътибор бераман. Шеър билан мусиқа топишганда эса қўшиқ пайдо бўлади. Сен яратган қўшиқларинг инсонлар қалбига муҳаббат, эзгулик уруғини сочса, уларни ёмон йўллардан қайтарса, шундагина қўшиқ яратдим десанг арзийди. Қўшиқларим - менинг изиробларим, кечинмаларим, уйқусиз тунларим, сермашаққат кунларим маҳсули. Унга баҳо бериш тингловчининг ҳукмига ҳавола.

- Сайёрахон, мана сиз халқ орасидан чиққан, ўз овозига эга бўлган санъаткорсиз. Дилмурод, Беҳрузларнинг меҳрибон онажонисиз. Фарзандларингизнинг отаси Илҳомжон Ҳалилов эса ҳар доим атрофингизда парвона. Шундай бўлса-да, қандайдир ушалмаган орзу-армонларингиз борми?

- Инсон ҳар доим табиатдан ниманидир кутиб, нимагадир интилиб яшайди. Албатта бу йўлда тўсиқларга, машаққатларга дуч келади. Кимлардир сизга оқ йўл тилаб, суянчиқ бўлса, кимлардир оёғингиздан чалишга ҳаракат қилади. Мен ёшлигимда киноактрисаларга ҳавас қилардим. Актриса бўлишимга эса отам тиштирноғи билан қарши эдилар. Чунки бизда - Бойсун томонда эл олдига чиқиб куйлаш у ёқда турсин, ҳатто эркаклар билан бир дастурхон атрофида ўтириш ҳам уят ҳисобланади. Шундай бўлса-да, мен ўзим танлаган йўлдан қайтмадим. Йўлимда учраган барча машаққатларни сабр-бардош билан енгиб, санъат поғоналаридан юксалишга ҳаракат қилдим. Балки шу машаққатлар, шу тўсиқлар, шу қийинчиликлар, шу қурашлар бўлмаганида бугун мен санъатда ўз ўрнимни топмаган бўлармидим...

- «Инсон ва қонун» газетаси мухлисларига тилакларингиз?

- Мен кўпгина нашрлар қатори «Инсон ва қонун» газетасини ҳам қизиқиш билан ўқийман. Бошқа нашрлардан «Инсон ва қонун»нинг фарқи шундаки, у ўқувчиларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишда, мақсадлари йўлида матонат билан курашишда ёрдам беради, ҳаётга уйғоқ кўз билан қарашга ўргатади. Бу эса менимча, инсон учун энг зарур эҳтиёждир.



Суҳбатдош:
Арофат ОРТИҚОВА

Нотариус ҳаёти

АГАР ЎЗ ИШИНГДАН ҒУРУРЛАНСАНГ

Ҳар бир одам ўз ишига турлича муносабатда бўлади. Бири шунчаки тириқчилик учун, бири эса эрмак учун бирор касб-кор билан шуғулланади. Аммо шундай одамлар борки, улар танлаган касбларига виждонан муносабатда бўладилар, ўз касблари билан ғурурланадилар. Ҳикоямиз қаҳрамони Андижон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Анваржон Ҳайдаров ҳам ана шундай ўз ишидан ғурурланадиган, унинг аҳамияти ва фойдасини чуқур англайдиган, унга ижодий ва жиддий муносабатда бўладиган кишилар тоифасидандир. У ўзининг ҳуқуқшунослик касбига доғ туширмасдан, ўз ишини орият ва шоншарафи деб билиб, ишлаб келмоқда. Буни унинг ҳаёт йўлидан ҳам билса бўлади.

Унинг ҳеч ёдидан чиқмайди. Суд идорасига ишга кирганда эндигина 17 ёшга тўлганди. Аслида у эрта улғайди. Чунки эндигина уч ёшга тўлганда тўсатдан отаси ҳаётдан кўз юмди. У онаси Анорхон ая билан бир-бирларига суяниб қолди.

Онасига эргашиб далага чиқди. Лекин китобга ўчлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди. У китобни кўк ўқир, кўпроқ ўзидан ёши улуғ «катта» одамлар даврасига, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга интилар эди. Шундай муҳитда унинг шахси шаклланди, камол топди.

Суд идорасида унга аввал котиблик вазифасини топширишди. Тиришқоқ, ёзувчизувга ҳафсаласи зўр, қонунчилик асосларини ўрганишга астойдил интилаётган бу йигит тез орада кўзга ташланиб қолди. Хушмуомала, билимдон бу йигитга нима иш топширишса, албатта, ишни охирига етказар, иш учун ўта масъулиятли эди. Тез орада Асакада суд ижрочиси бўлди. Шундай қилиб, у ҳуқуқ оламига кириб кетди. Тошкентда, университетда таълим олди. Ўқишни тугатибоқ, Шаҳрихон туманида нотариус бўлди. Кейинроқ Андижон шаҳрида шу соҳада ишлади. 1994-1997 йиллар давомида эса Жалолқудуқ туман Ойим судида раислик вазифасида сидқидилдан ишлади.

Мустақиллик шарофати ила нотариат тўғрисида қонун қабул қилинди. Хусусий нотариуслар пайдо бўлди. Анваржон Ҳайдаров ҳам истиқлол берган бундай имкониятдан илҳомланиб, Андижон шаҳридаги Тинчлик кўчасидаги бинолардан бир-икки хонани ижарага олиб хусусий нотариус очди. Ҳозир бу ишхона вилоятдаги энг намунали, энг тартибли нотариал идоралардан бирига айланди.

Эрта тонгдан то кечгача бу ердан мижозларнинг оёғи узилмайди. Одамлар турли саволлар, масалаларни ҳал этиш учун бу ерга ташриф буюришади. Тажрибали ҳуқуқшунос Анваржон Ҳайдаров бошчилигидаги нотариуслар кўмагида нотариал ҳаракатлар тасдиқланади ва «оддий қоғоз» энди чинакам ҳужжатга айланади.

- Менинг кузатишларимга кўра, - дейди Анваржон ака, - бозор иқтисодига ўтиш шароитида нотариал идораларнинг ўрни ва роли ўсмоқда. Ҳаётнинг ўзи янги талаблар қўймоқда. Биз энди муносабатларнинг янги поғонасига кўтарилаяпмизки, бу аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ўсиб бораётганлигида ҳам кўринмоқда.

Хусусий нотариал идорада иш яхши ташкил этилгани боис нотариал ҳаракатлар тасдиғи учун тўловлардан яхши даромад кўрилмоқда. Унинг асосий қисми албатта, давлат бюджетига ўтказилади. Шунингдеек, яна бошқа бюджет ташкилотлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам берилмоқда.

Ўтган йили нотариал идора Чинобод қишлоғи шифохонасининг жарроҳлик бўлимига, Андижон шаҳридаги 37 мактабга, қишлоқ қабристонини ободонлаштиришга катта моддий ёрдам берди. Ногиронларни реаблитация қилиш маркази, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси қонундаги меҳрибонлик уйи ҳам хусусий нотариал идора соҳиби Анваржон Ҳайдаров саҳоватидан баҳраманд бўлдилар. Бундай саҳоват унинг қалби эзгу орзу-умидлар билан лиммо-лим эканлигидан далолатдир.

Нотариуслик доимо одамлар билан ишлаш, муомала қилишни талаб этади. Бунда оғир-босиқлик, чидамлилик, сабр-тоқатлилик фазилатлари талаб этилади. Анваржон Ҳайдаровда ана шундай фазилатлар бисёр бўлгани учун ҳам унинг иши юришаётган бўлса, ажаб эмас.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

МАЙ ОЙИ СИЗГА НИМАЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛАДИ?

ҚЎЙ. Баҳорнинг сўнгги кунларида сиз учун янги имкониятлар эшиги очилади. Режалаштирган ишларингиз осонгина амалга ошади. 2-дан кейин ишкин саргузаштлар учун қулай фурсат туғилади. Ҳис-туйғуларга берилиб, бирон енгилтаклик қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. 9-дан кейин бирон-бир муҳим муаммоларни ҳал қилишга киришманг. Уни 20-дан кейинга қолдирганингиз маъқул. Айнан шу кунларда сиз куч-ғайратга тўлганингизни сезасиз.
Омадли кунлар:
2, 14, 18, 29.
Омадсиз кунлар: 3, 22.

БУЗОҚ. Бу ойда ўйлаган барча эзгу ниятларингиз амалга ошади. Чунки май ойи сизнинг ойингиз. Бундан ташқари юлдузлар май ойида қизиқарли саргузаштларни бошдан кечиришингизни хабар қилади. Бир сўз билан айтганда бу ойда асло зерикмайсиз. Ишқий саргузаштларга тааллуқли учрашувларни 29-дан кейин белгилашни унутманг.
Омадли кунлар:
1, 3, 15, 30.
Омадсиз кунлар: 4, 16.

ЭГИЗАКЛАР. Кўтаринки кайфият, қувончли лаҳзалар, қисқаси беташвиш, осойишта ҳаёт ойнинг бошида сизга ҳамроҳ бўлади. 17-дан кейин тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиш истаги пайдо бўлади. Кимдир сизнинг ошингизга шерик бўлиш ниятида эканини сезиб қоласиз. Тўғри, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилиб, жанжал кўтаришингиз ҳам мумкин. Яхшиси, ўша юлғичнинг ўз айбига иқрор бўлиб, оёғингизга бош уришини кутганингиз маъқул.
Омадли кунлар:
2, 14, 22, 26.
Омадсиз кунлар: 3, 10.

ҚИСҚИЧБАҚА. Май ойини эски танишларингиз билан муносабатларингизни яхшилашдан бошлаганингиз мақсадга мувофиқдир. Чунки кейинги пайтда сизнинг бошлиғингиз билан муносабатингиз ҳавас қиларли даражада эмаслиги барчага маълум. Агар муносабатларингизга эътиборсизлик билан қарасангиз, ҳафтанинг охирида кўнгилхираликлар келиб чиқишига шароит яратиб берасиз.
7-дан кейин сиз ҳақингизда кимдир ғийбат гаплар тарқатиб юрганини эшитасиз. Куюнманг. Чунки сиз етти ўлчаб, бир кесадиган, ноқулай вазиятдан осон чиқиб кетишга қодир инсонсиз. Муаммони ақл билан бартараф этиш қўлингиздан келади.
Омадли кунлар:
3, 5, 17, 29.
Омадсиз кунлар: 4, 16.

АРСЛОН. Юлдузлар май ойи ушбу бурж остида туғилган бўйдоқлар учун жуда қулайлигини маълум қилади. 5-да сизни ажойиб тасодифий учрашув кутмоқда. 16-дан кейин барча арслонларни қандайдир нотинчлик безовта қилиши мумкин. 22, 26-да режалаштирган ишларингизни амалга оширишда сизга ҳамроҳ бўлган инсонлага эътиборлироқ бўлинг.
Омадли кунлар:
1, 16, 18, 28.
Омадсиз кунлар: 3, 9.

ПАРИЗОД. Ойнинг бошида сизга керак бўлган инсонлар билан муносабатингиз аъло даражада бўлади. 7-да бирамасига уч кишининг муҳаббат изҳорига жавоб беришингиз лозим бўлади. Албатта улардан бирини танлаш лозимдек туюлади... Бироқ юлдузларнинг башоратича янги танишув сизнинг ҳаётингизни тубдан ўзгартириб юборади.
Омадли кунлар:
2, 16, 21, 27.
Омадсиз кунлар: 3, 17.

ТАРОЗУ. Май ойининг дастлабки кунларида ўзингизда озгина чарчоқ ҳис қилгандай бўласиз. Сиз ишқий саргузаштларга ўзингизда мойиллик сезасиз. Баҳорнинг ажойиб кунлари сизга кутилмаган ажойиб сирли туйғуларни ҳадя этади. 23-да кўнглингизга ёқмаган кишилардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг. 27-эса сиз учун унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади. Албатта, агар сиз уни қувноқ даврада ўтказсангиз.
Омадли кунлар:
1, 15, 16, 2.
Омадсиз кунлар: 5, 21.

ЧАЁН. 2-да муҳим ишларингизни ҳал қилиш вақти етганини ҳис қиласиз. Атрофингиздаги муаммоларни бирин-кетин бартараф қилишга киришинг. Юлдузлар 11 майгача ортиқча ҳаракатлар қилмасликни маслаҳат беради. Барча яхшиликларни жанжал йўли билан эмас, ширинсўз, ақлни ишлатиб ҳал қилсангизгина муваффақиятга эришишингиз мумкин. 19-дан кейин барча муаммоларингиз ўз якунини топади. Ойнинг охири эса қувончли кунларга бой бўлади.
Омадли кунлар:
4, 5, 17, 30
Омадсиз кунлар: 2, 14.

ЎҚОТАР. Ойнинг бошида саломатлигингизга эътибор қилинг. 9-дан кейин дўстларингиз билан дилхираликка боришингиз мумкин. 18-дан кейин эса яқинларингиз билан орангиздаги дўстона муносабатларингиз тикланиб, яхшиланиб боради.24-дан кейин баъзи бир яқинларингизнинг сизга бўлган ёмон муносабатларининг сабабини билиб оласиз. Танқид қилишга шошилманг, чунки у дўстларингизга ёқмайди. 30-дан кейин эса барча муаммоларингиз ечимини топади, юрагингизга яқин киши билан сархуш онларни бошдан кечирасиз.
Омадли кунлар:
5, 12, 26, 27
Омадсиз кунлар: 3, 25.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ойнинг боши сиз учун қувончли кунларни ваъда қилади. Барча нарса кўзингизга гўзал ва жозибали кўринади. 5-да эса эски танишларингиздан бири сизга берган ваъдасининг устидан чиқиш учун елиб-югураётганининг гуноҳи бўласиз. Ойнинг ўртаси ижод билан шуғулланиш учун қулай. 15-дан кейин сиз хизмат қилаётган жамоага боғлиқ муаммоларга шўнғиб кетасиз. Сизнинг ишчанлигингизни таърифлашларини, алқашларини хоҳлайсиз. Шошилманг! Юлдузларнинг айтишича, шон-шуҳратга берилишингизга ҳали фурсат бор.
Омадли кунлар:
2, 6, 17, 24
Омадсиз кунлар: 4, 22.

СУВЧИ. Баҳорнинг ажойиб кунларида гўзал ва жозибадор бўлиш хоҳиши сизни тинч қўймайди. Шуни эсдан чиқармангки, гўзал бўлиш учун нафақат қимматбаҳо либослар, балки келишган қомат ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун иложи борича бадантарбия машқларини бажариш, парҳез қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ойнинг ўртаси барча қўнгилочар тадбирлар учун қулай бўлади. Сизга омад ва муваффақиятлар ёр бўлади.
17-да эса кимдир сизга дил изҳорини баён этади. Албатта, бундай ишқий муносабатлар сизга кўтаринки руҳ, ўтаётган кунларингизга мазмун бағишлайди.
Омадли кунлар:
1, 12, 17, 24
Омадсиз кунлар: 2, 9.

БАЛИҚ. Бу ойда сабр-тоқатли, бардошли бўлишни маслаҳат берардик: ойнинг биринчи кунлариданоқ яқин кишингиз асоссиз рашклар билан дилингизга озор бериши мумкин. 7-куни пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишингиз кунингизнинг тинч ёки жанжалли бўлишини белгилаб беради. Ойнинг ўртасида сиз ишлаб турган жамоанинг сизга бўлган дўстона муносабатлари ижодий фаолиятингизга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. 24-дан кейин қизиқарли учрашувлар, ажойиб инсонлар билан бўлган ёқимли суҳбатлар сизда яхши таассурот қолдиради.
Омадли кунлар:
3, 13, 17, 25
Омадсиз кунлар: 4, 18.

А.МИРМУҲАМЕДОВА
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази

Мустақил Ўзбекистон халқини 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан самимий муборакбод этади.

Марказ истиқлол ютуқларини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган
- иқтисодчи-бухгалтерларни аудиторлик курсларида;
- ҳуқуқшуносларни, кичик, ўрта, хусусий, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда бошқа хил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва бошқа корхоналарнинг раҳбарлари, бухгалтерия ходимлари, кадрлар бўлими ходимларини қисқа муддатли малакасини ошириш курсларида ўқишга таклиф этади.
Келинг, мурожаат қилинг!

Марказ жамоаси ҳамиша хизматингизда.

Манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси-18
Тел: 144-36-57; 144-04-63; 41-46-53.
(Мўлжал — А.Навоий номли санъат саройининг тўғрисида, Шаҳарсозлик ЛИТИ биносининг 1-қавати).

Жангчи шоир илҳоми

ҚОЛАДУР

Умр ўтар, жаҳон қоладур,
Бунёдингдан эҳсон қоладур.
Ойдин бўлса юрган йўлларинг,
Изингдан нур, нишон қоладур.

Элга ҳиммат азму заҳматинг,
Қадринг бўлиб виждон қоладур.
Бу дунёда она Ватан бор,
Унда марду майдон қоладур.

Инсон қалби буюк бир дунё,
Унда меҳру имон қоладур.
Иш тушганда марднинг бошига
Вафоли дўст, инсон қоладур.

Назар куйлар азиз эл қадрин,
Ундан шеъру достон қоладур.
Ўтар умр, жаҳон қоладур,
Фарзандларга эҳсон қоладур.

Назармат

АДВОКАТЛИК ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Андижон вилояти адлия бошқармаси Салимжон Бегматов номига 1997 йил 7 ноябрда AN000094 рақам билан, Абдулҳай Ваҳобжонов Шарипжоновичга 1999 йил 11 мартда 000130 рақам билан берилган адвокатлик лицензияларини бекор қилди.

КЕЛГУСИ СОНДА.
ДУНЁ ТАМАДДУНИНИНГ БИР БЎЛАГИ

Табриклаймиз, қутлаймиз

Бирлашган таҳририятимизнинг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири Бахтиёр ОЛЛОМУРОДОВни 8 май, таҳририят нозири Абдулносир СОЛИЕВни 5 май туғилган кунлари билан ТАБРИКЛАЙМИЗ.

Уларга соғлик, ижодий муваффақият, оилавий бахт ва ишларида омад тилаймиз.

Бирлашган таҳририят жамоаси

ИҚБОЛИНГДАН АЙЛАНАЙ, БОЛАМ!

Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абаил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-406 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи:
О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 1.
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0041- сон билан рўйхатдан ўтган.